



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ КИТОВ ПАЛАТАСИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
27 май
ЧОРШАНБА
№ 42
(12.157)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

СОВРИНДОР ФЕРМЕР

Кечагидек ёдида. Бобосининг тракторида кўп бора дала кезган. Фотиҳ ота Собиров суякли набирасининг раёинга қараб, орасира тракторига миндириб, далага олиб борарди.



СУРАТДА: фермер хўжалигининг карами фарқ пишган пайт.

Даврон АХМАД олган сурат.

Кейинчалик уста зироатчи Абдурахмон Хидиралиев бу "дала кўрган" йигитни табелчи қилиб олди. Уша 1992 йилдан буён Баходир Бойқунусов экин-тикин ишлари билан андармон бўлиб келади.

"Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал" деганлари тўғри экан. Баходир зироатчиликнинг барча "борди-келди"ларини болалигиданок ўз кўзи билан кўриб, кўникиб келди. Шунинг шарофати ўларок, энди ўзи аллақачон оғизга тушишга улгурган фермер. "Бойқунусов Баходир" фермер хўжалиги нафақат Зангиота тумани, балки вилоятда ҳам танилди. "Экосан" халқаро ташкилотиди ҳар йили ёш фермерлар ўртасида ўтказиладиган аънавий танловнинг бу йилги республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Ибратли жиҳати шундаки, бу хўжалик эндигина тўрт "ёш"га қадам қўйди. Бундай қисқа даврга мустақкам оёққа туришининг ўзи бўлмайди, албатта.

— Техника — деҳқоннинг қаноти эканлигини болали-

гимда ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилганман, — дейди фермер. — Илк фаолият бошлаган йилиёқ МТЗ-80, МТЗ-50 ҳайдов тракторлари ва бошқа зарур техника воситаларига эга бўлдим. Ушандан бери четдан ҳеч қандай ёрдам кутмай, қайси экинга қачон, қандай ишлов керак бўлса, вақтида бажараверамиз.

Хўжалик 2006 йили биринчи марта 11,6 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлса, бу йилдан 28,1 гектар экин майдонига эга. Ҳар йили шу ернинг учдан бир қисмидан кўпроғида галла етиштирилади. Ҳадемай 10,5 гектардаги "Қрошка" нав бугдой пишиб етилади.

Фермернинг мўлжали камиди 60 центнердан хирмон кўтариш.

Хўжаликнинг эртаки карами бу йил айниқса баракали ҳосил берди. 5,5 гектар майдондаги бўлиқ қарамга кетма-кет харидор келиб турибди. Аъзолар бир бошдан узиб, жўнатишяпти. Ўртача ҳосилдорлик 50 тоннадан тўғри келаётгани ҳисобга олинса, шу экиннинг ўзидан хўжалик яхшигина даромад кўради.

Бугуннинг гапи

Пахтакор ҳаётининг қизғин ва масъулиятли паллалари аллақачон бошланди. Чигитни вақтида, сифатли экиб, текис ундириб олишга муваффақ бўлган деҳқонларимиз эндиёқ асосий эътиборини янанадаш, экин қатор ораларида ишлов бериш каби муҳим, ҳал қилувчи агротехник тадбирларни вақтида, алоқадор равишда ўтказиш ҳаракатидашлар. Бу жараёнда улар қандай жиҳат-

ларга эътибор беришлари лозим? Экиннинг соғлом ўсиши ва дуркун ривожланиши кўпроқ қандай омилларга боғлиқ? Ана шундай саволларга атрофлича жавоб бўлади, деган умидда Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган ғўза парваришида айтилган асосий агротехник вазифалар ҳусусидаги тавсияларни эълон қилмоқдамиз.

КУЛЬТИВАЦИЯ:

ЭКИННИ СОҒЛОМ ВА ДУРКУН РИВОЖЛАНТИРАДИ

Чигит бир текис ундириб олинган, ғўзани янанадаш киришилади. Янанадаш ғўза 1-2 донга чинбар чикарганда ўтказиш ва 8-10 кун ичида тугаллаш лозим. Ушбу муддатдан кечиктирилса, пахта ҳосили гектарига 2-3 центнерга камайди. Янанадаш биринчи экилган даладан бошланади ва бир даладаги янанадаш бир кунда тугаллаш натижа беради. Бунда нимжон, хашаротлар билан зарарланган, ривожланиши суст бўлган ниҳоллар олиб ташланиб, фақат соғломлари қолдирилади. Кўчат қалинлиги янанадаш 7-8 кун ўтгач яна бир бор текширилиб, кейин унган ниҳоллар олиб ташланади, тўлиқ ва текис майдон ҳосил қилинади. Пахта майдонларида ғўзани янанадаш далоқ таққаларида (шаблон) фойдаланиш

мумкин. Бу муҳим тадбирни тўғри қилиш шарт, ғўза навларининг биологик ҳусусиятлари ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, тегишли тавсиялар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ғўзани рисолагагидек парваришда қатор орасига ўз вақтида ва сифатли ишлов бериш, айниқса, катта аҳамиятга эга. Қатор орасига ишлов беришнинг асосий жараёндан бири — культивация ҳисобланади. Ўз вақтида ва сифатли ўтказилган культивация дала бегона ўтлардан тозалаш, ўғитлаш ва суғориш самарадорлигини ошира-

ди, натижада ўсимликлар ривожланиши тезлашиб, юқори ва эртаки ҳосил олишга имкон яралади. Культивациянинг меъёрий чуқурлиги муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти тавсиялари бўйича ғўза қатор ораси 90 см қилиб экилган майдонларда биринчи культивацияда мосламанинг чет ишчи органларининг чуқурлиги 6-8 см, ўртасидаги 10-12 см, иккинчи ва кейингилари ўзaro мутаносиб ҳолда 8-10 ва 14-16 см дан ошмаслиги керак. Аммо, баъзи хўжаликларда культивация ўтказиш даврида бу тавсияларга амал қилинмайди. Натижада охириги йилларда культивациялар жуда чуқур ўтказилмоқда. Баъзи хўжаликларда у 25 см ва ундан чуқур бўлмоқда. Амал даврида тўғри бундай чуқурликда қўйиш учун хўжаликларда ҳар хил шаклда қўйиладиган органлар ясалмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, культивациянинг сифати унинг ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ бўлиб, тўғри тоғри келганда амалга оширилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

«Маҳорат — 2009»

КЎРГАЗМА ЁШЛАРНИ ЧОРАЛАЙДИ



Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг «Маҳорат — 2009» IV аънавий кўргазмаси очилди.

Ўрта-махсус, касб-хунар таълими узлуқсиз таълимнинг муҳим босқичи бўлиб, умумий ўрта ва олий таълимнинг ўзаро боғловчи сиёсатини ўқийди. Шу боис, умумтаълим мактаблари битирувчиларини танлаган касб ва мухассасликларига йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Вилоят умумтаълим мактаблари битирувчилари кўргазмада ҳар бир коллеж ҳақидаги маълумот, унинг фаолияти, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш им-

конига эгалар. Уч кун давом этадиган кўргазмада вилоятдаги 98 та касб-хунар коллежи, 5 та академик лицей иштирок этмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди. СУРАТЛАРДА: «Маҳорат — 2009» кўргазмаларида. Даврон АХМАД олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг таклифига биноан 26 май кунини расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Бразилия халқаро майдонда яқиндан ҳамкорлик қилади, бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Лотин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома аъзоси сифатида Бразилия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон БМТ органларига Бразилия номзодларини ёқлаб келади. Умуман, икки мамлакатнинг

халқаро муаммоларга, ривожланиш масалаларига қарашлари ўхшаш ва яқин. Ўзбекистон ва Бразилия савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларга ҳамкорлигининг муҳим бўлини сифатида қарайди. "Ўзинфоинвест" агентлиги билан Бразилиянинг Савдо ва сармоя агентлиги (АПЕКС) ўртасида ўзаро ағлашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Икки мамлакат ўртасида турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда, 2008 йили Сан-

Паулда Ўзбекистон-Бразилия бизнес-форуми ташкил қилинди.

Президент Ислам Каримовнинг мажкур ташрифи асосида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ў.А.

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ КЕРАК

Вилоят ҳокимлигида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг роли мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенашлари депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга оширишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, бу соҳада илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда оммалаштириш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, ушбу йўналишларда сиёсий партияларнинг Янгиёул шаҳар ва Қибрай туманлари депутатлик гуруҳлари олиб бораётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Саид ҲАСАНОВ.

Вилоят ҳаёти

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Бекобод туманидаги Тақачи қишлоқи аҳолисининг узоқ йиллик орузи Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида рўйга чиқадиган бўлди. Бу ерда янги, икки қаватли, замонавий мактаб биноси қад ростламоқда.

Дастлабки бинолари 1929 йилда қурилган, ўттиз йил муқаддам янги хоналар қўшилиб, реконструкция қилинган. Мактабнинг синф хоналари тор, бугунги талабларга жавоб бермай қолган.

Давлат янги мактаб учун 1 миллиард 78 миллион сўм маблағ ажратди. 315 нафар бола янги ўқув йилини янги бинода бошлайди. Замонавий спорт зали, 17 та синф хонаси ва бошқа зарур хоналар 1 сентябрга қадар ташт қилинади. Эски бинолар ўрнида очик ўйингоҳ ташкил этиш ҳам режалаштирилган. "Истикбол" хусусий корхонаси бу ерда, ҳозиргача 700 миллион сўмлик иш бажарди.

Абдурахим БОБОНАЗАРОВ.

ТОШЛОҚ ЕРДА ТЕРАКЗОР

Оқангарон туманидаги "Азим ота" фермер хўжалиги ташкил топган йили ўзлаштирилган тошлоқ майдонларнинг 1,5 гектарда теракзор барпо этилди.

Шу давр ичида вояга етган тераклар маъмурий қарори билан хўжалик аъзоларига уй-жой қуриш учун ажратиб бериляпти. Фермер Аваз Азимовнинг таъкидлашича, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қўшимча майдонлар ҳисобига 1000 тулдан зиёд терак ниҳоллари экилди.

Мунира ИСАЕВА.

БИАТЛОНЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангу-берди номидаги спорт мажмуида ёзи биатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техника ва амалий спорт турлари маркази томонидан ўтказиладиган бундай беллашулар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мусобақада 11 жамоа таркибида 47 нафар йигит-қиз ўзаро куч синашди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти биатлончилари биринчи, самарқандликлар иккинчи ўринга сазовор бўлди. Жиззахлик спортчилар учинчи ўринни банд этди.

Л. СУВОНОВ,
Ў.А. муҳбири.



БЎЛИМ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят оммавий ахборот воситалари вакиллари, вилоят, туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, ахборот марказлари, маҳаллий телестудиялар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда уюшма вилоят бўлимининг ўтган 5 йил мобайнидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида бўлим томонидан бир қатор диққатга

ҳаллий журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, ёш кадрларни тайёрлаш борасидаги ҳаракатлар бунинг далилидир.

Йиғилишда бир қатор ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, бўлимининг янги бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси конференциясига вакиллар сайланди.

Ў.А. муҳбири.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр
кўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.
Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдидан

«ХОНАТЛАС – 2009» ФЕСТИВАЛИ



Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида "Хонатлас – 2009" фестивали бўлиб ўтди. Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда либос модельерлари ва дизайнерлар, расомлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, асл ҳолича ўрганиш, мазмун-маънони ёш авлодга етказиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Фестивалдан қўзланган асосий мақсад миллий либос санъати, мато тўқиш анъаналаримиз тарихини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш орқали ёшлар қалби ва онгига Ватанга садоқат, умрбоқий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур синдиришдан иборатдир.

Мутахассисларнинг фикрича, заминимизда мато тўқиш уч минг йиллик тарихга эга. Ёзу, шойи, адрас, бекас каби миллий матоларимиз юртимиз иқлим шaroитига мослиги, табиий ашёлардан тайёрлангани ва юқори сифати билан ҳаммаша ҳаридордир. Улар орасида хонатлас кўркамлиги, бетақорлиги, сержилва нақшлари билан ажралиб туради. Хонатласнинг юртимизнинг ҳар бир ҳудудига ўзига хос ранглар ва нақшларга эга турлари мавжуд. Истиқлол йилларида миллий ҳунармандликнинг барча йўналишлари каби

хонатлас тўқишнинг анъаналари ва муайян ҳудудларга хос мактабларини қайта тиклаш, янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фестиваль доирасида ўтказилган илмий-амалий семинарда хонатласнинг пайдо бўлиш тарихи, ишлаб чиқариш технологияси ва ундан замонавий дизайндаги либослар яратиш ҳусусида атрофлича фикрлашилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Бадий академияси Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти тарафидан, ёш дизайнерларнинг хонатлас асосида тайёрлаган либослар тўплами намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Спорт Спорт Спорт Спорт



МЕЗБОНЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий лигасида ўн биринчи турни ўз майдонидан ўтказган жамоаларнинг аксарияти ғалабага эришди.

Мавсумни муваффақиятли ўтказётган "Олмалик" (Олмалик) футболчилари "Шўртан" (Ўзур) жамоасини қабул қилиб, 3:2 ҳисобида зафар қучди. Мезбонларнинг мавсумдаги олтинчи ғалабасини таъминлаган голлар А. Востриков, О. Бердиев ҳамда М. Мамазунлов ҳисобига эъломи. "Олмалик" йигирма очко билан мусобақа жадалига тўртинчи ўринга кўтарилди.

Самарқандда "Динамо" ва "Металлург" (Бекобод) ўртасида ўтказилган учрашувда дарвозаларга сақията тўп киритилди. Беллашувни ҳужумлар билан бошлаган бекободликлар биринчи бўлимини 3:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Т. Турдиев ва И. Қурбанов биттадан гол урган бўлса, меҳмонлар ҳужумини қайтаришга чоғланган Д. Ония қўлланмаган ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди. Бирок, меҳмонларга ғалабани ушлаб қолиш насиб этмади. Самарқандликлар Б. Насимовнинг иккита, Э. Бойдуллаев, А. Диндиков ва бразилиялик Эвертоннинг биттадан голи эвазига 5:3 ҳисобида зафар қучди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Сўғдиёна" (Жиззах) – "Локомотив" (Тошкент) 0:0, "Қизилқум" (Зарафшон) – "Навбахор" (Наманган) 1:0, "Хоразм" (Урганч) – "Бухоро" (Бухоро) 1:0, "Машъал" (Муборак) – "Андижон" (Андижон) 2:0.

НИГОРА ҚАРШИДА БЕЛЛАШАДИ

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнидаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази раҳбари" кўрик-танловининг вилоят босқичида Ангрэн маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари Нигора Ўсарова фахри 1-ўринни эгаллади.

Кўрик-танловда ҳудудий босқич бўйича голибликни қўлга киритган жами 11 нафар вакил иштирок этди, – дейди Нигора. – Бундай тадбирлар албатта ахборот-ресурс марказлари ишдаги ижобий ўзгаришларга, ўзаро таъриба алмашуларга қўмқолади.

Айни вақтда Н. Ўсарова кўрик-танловнинг 29-30 май кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтаётган республика босқичига ҳозирлик қиляпти.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

6-ҳаво

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 27 май кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-16, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расм.

Бекажон


КАРАМЛИ САЛАТ

Масалликлар:
1 дона қарам, 2 дона қизил сабзи, қўқатлар, саримсоқ, 3 қошиқ майоназ, туз, майдаланган анёз, гармодор.
Тайёрлаш: қарамни майдалаб тўғраб оламиз, сўнг унга озгина туз солиб, эгилдимиз. Олдиндан арчиб қўйилган қизил сабзини қирғичдан ўтказамиз, майдалаб тўғралган саримсоқ ва қўқатларни қарам билан бирга яхшилаб аралаштирамиз. Кейин майоназ қўшиб, яна аралаштирамиз ва лиқончаларга соламиз.



ПИЁЗ ДЎЛМА

Масалликлар:
300 гр. қийма, 5-6 дона пиёз, 1 пиёла гуруч, 1 дона помидор, қўқатлар, 1 бош саримсоқ, 2-3 дона картошка, 100 гр. ёғ, 2 пиёла сув ва таъбага кўра туз ва мурч.
Тайёрлаш: қозонга сув солиб, қайнагандан сўнг, арчилган пиёзларни бутунлигича соламиз ва 10-15 дақиқа атрофида қайнатамиз. Унгача қиймаимизни тайёрлаб олиб, пишиб чиққан пиёзлар орасига соламиз. Қозонда ёғни доғлаб, олдиндан арчиб қўйилган қарам, картошка ва пиёзни солиб қовурамиз. Сўнг бир пиёла сув қўшиб, қиймали пиёзларни териб чиқамиз. 20-30 дақиқа паст оловда пиширамиз.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълолар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзиллими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бер-
увчилар масъулдир.

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-440.

Адади 8441.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ.

Белгиланган материаллар – тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачисига босилди.

Қорхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи – 205.

Босишга таъминлаш вақти – 20.00. Босишга таъминлаш вақти – 19.00. 1 2 5 6 7 8